







Андижон вилояти

Асака шахридан жануб томон борадиган магистрал йўлдан 20 дақиқада Марҳамат тумани марказига етиб оласиз. Орамизда Марҳамат номини эшитмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Бу биз томонимиздан келтирилаётган даъво эмас, балки асл ҳақиқат.

ОБОД ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Сирдарё вилояти



ХУШХАБАР

Сув тошқинидан жабрланганларга янги уй-жойлар

Оқолтин туманидаги сув тошқинидан зарар кўрган "Шодлик", "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги уй-жойларни қуриш, қайта тиклашда Сурхондарё вилоятининг 35 та қурилиш ташкилоти фаол иштирок этмоқда. Қўли гул қурувчилар ушбу маҳаллаларда 76 та уй-жойни тиклаб, эгаларига топширади.



Қурувчилар "Шодлик" маҳалласининг Уч том қишлоғида замонавий, барча қулайликларга эга 10 та турар-жойни барвақт ўз эгаларига топширдилар. Уй-жойларни топшириш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев шундай оғир пайтда сирдарёликларга ёрдам қўлини чўзганликлари учун сурхондарёлик бунёдкорларга чукюр миннатдорчилик билдирди. Янги уй соҳибларини шинам, озода турар-жойларга эга бўлганликлари билан кутлади.

Бири-бирдан чиройли уйларни кўриб, ҳавасингиз келади. Газ, сув олиб келинган. Хонадон эгаларига бир йўла маиший техника жиҳозлари ҳам берилган. Боз устига ҳар бир ҳовлида бир сотихлик ихчам конструкцияли иссиқхоналар қурилган. Янги уй эгалари буларга қўшимча бир бошдан она-бола сигирли ҳам бўлишиди.


Уйимизни сув олиб кетганида энди турмушимиз қандай кечадди, деб қаттиқ азият чеккандим. — дейди Уч том қишлоғида яшовчи Дилфуза Шерназарова. — Бугун унинг ўрнида қурилган кўркам уйни кўриб кўзларимга ишонмайман: хоналар ёруғ ва шинам, газ, сув, иситиш печигача муҳайё. Бир сотихлик иссиқхонада сабзавот ва кўклатлар етиштириб рўзгоримизни таъминлаймиз, ўзимиздан ортганини бозорга чиқариб сотамиз. Бизга оғир дамларда катта ғамхўрлик кўрсатган, ғамгин кўнглимизга нурафшонлик олиб кирган фидойиларга минг бора раҳмат.

Янги уйлар топширилиши чинакам шодидегага айланиб кетди. Сурхон фольклор этнографик ансамбли жамоаси аъзолари, хушовоз хонанда Маҳмуд Номозов ижро этган қўшиқ ва куйлар дилларга олам-олам шодлик улашди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

МАРҲАМАТ ТОМОНЛАРДА

Бугун Марҳаматда бўлсангиз ва атрофга назар солсангиз беқиёс ўзгаришлар юз бераётганилигига амин бўласиз. Ёшу қарининг тилида ҳам, дилида ҳам ўз юртига бўлган меҳрни сезасиз ва уларнинг кайфиятлари кечагидан бугун янада баландроқ эканлигини англайсиз. Ҳақиқатдан ҳам сўнги икки йилда бу ерда шу қадар ўзгаришлар юз кўрсатмоқдаки, бундан туман аҳолиси беҳад қувонмоқда. Негаки, ҳукумат ва вилоят ҳокимлигининг амалий кўмагида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида Марҳаматни сайёҳлик марказига айлантиришдек олижаноб мақсад бор.



АМЕРИКА ЭЛЧИСИ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ДУРДОНА

Туман маркази яқинидаги қадимги Мингтепа милоддан аввалги 6-5 асрда мавжуд бўлган Давон давлатининг пойтахти бўлган. Ушбу давлатнинг фаолияти эрамиз бошланишида ҳам давом этган. Ички ва ташқи қалъалардан иборат бўлган мазкур пойтахт асрлар оша тепаликка айланган. Археологларнинг кўп йиллардан буён олиб бораётган қазишмалари давомида Давон давлатининг кудратини англатувчи топилмалар узоқ ўтмишимиз буюклигидан садо бераётди.

Кўп йиллардан буён олиб борилаётган тадқиқот ишларида Хитой фанлар академияси археология институти илмий ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон томонидан эса профессор Боқижон Матбобоев раҳбарлик қилаётган экспедиция аъзолари ҳамкорлик қилишаётди. Шу баробарида япониялик олимлар ҳам Мингтепа ёдгорлигини ўрганишда иштирок этишиётди.

Обиджон Маҳмудов ва Ортиғали Хусанов Мингтепа шаҳрини қайтадан кашф этилиши йўлида тарғибот ишларини олиб боришиб, унинг инсоният цивилизациясидаги бебаҳо ўрни мавжудлиги ҳақида кўп ва хўп мақолалар, китоблар ёзиб, жамаотчилиكنинг эътиборини қаратиш-

моқда.

Ортиғали Хусановнинг сўзларига қараганда мамалакатимизда бир муддат фаолият кўрсатган АҚШнинг Ўзбекистондаги мухтор ва фавқулодда элчиси Памела хоним кўп бор Мингтепага ташриф буюрди. Қадимги Давон давлатининг осори-атиқалари жаҳондаги ҳар қандай очиқ музейлар билан тенглаша олиши ҳақида "Ўзбекистон-24" телеканалдаги суҳбатда бир неча бор қайд этди.

— Агарда мен элчилик миссиям давомида Мингтепада бўлмаганимда армонда қолган бўлар эдим, — деган эди АҚШ элчиси. — Бухоро, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарлардан қолишмайдиган Мингтепа бугун бўлмаса, эртага албатта дунё сайёҳларини ўзига тортади.

Яқин кунларда бу ерда Ўзбекистон-Хитой кўшма археология экспедициясининг навбатдаги фаолияти бошланади. Олой тоғининг бир қирраси бўлмиш Улуғтоғ этагидаги қадимий Давон давлати пойтахти бўлмиш Мингтепа ўзининг жуғрофий ўрни, иқлими ва энг муҳими нодирлиги билан очиқ осмон остидаги музейга айланади. Маҳаллий аҳоли ана шу ният ила Марҳаматни янада обод ва кўркам гўшага айлантиришга бел боғлашди.

МУҲАММАД ЮСУФ ЁДИ

Юртимизда Қоракўрғон қишлоғидаги Қовунчи маҳалласини билмайдиганлар камдан-кам топилади. Негаки, бу ҳудудда элимизнинг эрка шоири Муҳаммад Юсуф дунёга келган ва адабиёт оламига дастлабки қадамла-

рини ташлаган. У мангу кўним толган қабристонда хайрли ишлар амалга оширилдики, бу ерга йил 12 ой қадам босиб келадиган мухлисларининг зиёрати учун эътиборли ишлар рўёбга чиқарилди. Шоир туғилиб ўсган хона-

донда ва ховлига туташ Муҳаммад Юсуф ўқиган мактабда кўрса кўргудек, ҳавас қилса қилгудек музейлар яратилдики, бу ерда бўлган зиёратчилар, мухлислар шоир билан маънан мулоқотда бўладилар.

ҲАЛИ ОДИНДА ИШЛАР БИСЁР



Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳақида сўзларкан, Марҳамат туманидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ўртоқлашди. Ичимлик суви таъминоти борасида энг охириги ўринда турган мазкур ҳудудда 2 йилда қурилган чора-тадбирлар туфайли ичимлик суви таъминоти 76 фоизга кўтарилди. 2019-2020 йилларда узунлиги 73,7 километр бўлган сув тармоқлари тортилиб, бунинг учун давлат бюджетидан 16 миллиард сўм сарфланди. Йил охирига қадар ичимлик суви муаммосини тўла бартараф этиш бўйича режа бор ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Аҳоли нуфузига мос тарзда ишчи ўринлари яратиш масаласи долзарб касб этаётганлиги сир эмас. Бунда тадбиркорлик учун имкон қадар кенг йўл очиш алоҳида ўрин тутади. Туман ҳокимининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биричи ўринбосари Жасурбек Мамажоновнинг айтишича ҳозирда тадбиркорлар сафи 1,5 мингдан ортдики ташкил этади. Пахтачилик йўналишидаги кластер таркибида пахта қайта ишлаш ва йигирув корхоналари бор. Навбатда тўқув, бўяш, тикув корхоналари барпо этилиши билан яхлит занжир ташкил этишдек вазифа турибди. Бу билан қарийб мингдан зиёд ишчи ўрни юзага келади.

Айни вақтда кўплаб тадбиркорлар

бир қатор лойиҳалар ижросини рўёбга чиқаришга киришдилар. Чунончи, тадбиркор Чаросбек Яшаров дастлабки қадам сифатида 50 ўринли трикотаж кийимлар ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширди. У босқичма-босқич тарзда янги ишчи ўринларини яратиш ҳаракатида изланмоқда.

Ака-ука тадбиркор Ашуровлар куёнчилик йўналишида кластер ташкил этиш ташаббуси билан ўртага чиқашди. Дилмурод Ашуров куёнларни кўпайтириш, парвариш ва озуқа тайёрлаш билан банд. Ойбек эса бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб, тез кўпаядиган, мазали гўшт ҳамда сифатли тери берадиган куёнларни олиб келиш билан шуғулланмоқда. Ҳозирда хорижий андозада барпо этилган бинода куённинг "Калифорния", "Янги Зеландия", "Фландер", "Рекс" ва "Великан" зотлари парваришланмоқда.

5,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида барпо этилган мажмуада бир қатор ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш бўйича 45 киши меҳнат қилмоқда. Парҳез гўшт, терини ошлаш ва телпак тикиш цехларида замонавий технологиялар жорий этилган. Жорий йилда бу ерда куёнлар сони 40 мингтадан ортади.

Ўқчи, Увайсий, Миришкор ва Қўрғонча маҳаллаларидаги 100 та хонадонга 10 бошдан куён тарқатилди. Аввалдан 15 кунлик ўқув машғулоти ўтказилганлиги натижасида куёнларни парвариш қилиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ака-ука Дилмурод ва Ойбек Ашуровларнинг ҳисоб-китобларига қараганда ҳар 28 кунда насл олиш эвазига янги соҳа билан шуғулланаётган хонадон соҳиблари 6 ойдан сўнг фойдага киришади. "Водий ҳамкор агрофирмаси" МЧЖ жамоаси куёнчилик борасида илғор тажриба мактабига айланади.

Бугун эл дуосини олишга ошиқётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётган экан, Марҳамат томонларда ҳам ижобий ўзгаришлар давом этаверади.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХАРСАНГ ТОШДАН ҚОҒОЗ



кўплаб ёшлар мунтазам ишчи ўринларига эга бўлишаётганликлари ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари Андижонда ўтказилган йиғинларнинг бирида "Тадбиркорларга, фермерларга йўл беринг. Улар топганини шу юртга сарфлайди", деган эди. Айни дамда Қобилжон Обидов хитойлик ҳамкорлар билан бир вақтда сочик ҳамда харсанг тошдан қурилиш учун рангли қоғозлар ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш билан банд. Улардан бири 300, бошқаси эса 600 кишини ишга жалб этади. Ишлаб чиқарилидиган маҳсулотларнинг салмоқли қисми эса хориж бозорларига йўналтирилади. Ҳар икки лойиҳа нархи 11 миллион 800 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, қилинган харажат тездаёқ қопланишига тадбиркорнинг ишончи комил.

Қобилжон Обидов аввалги йили кўрган одамнинг назарига тушадиган боғча биносини қуриб, жиҳозлаб мактабгача таълим бўлимига беғараз тортиқ этган эди. Куни кеча эса "Алитера" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда, Асака-Марҳамат йўли бўйида шахмат мактаби мақомида салобатли қошона барпо этиб, эл дуосини олди.

Маълумки, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов ижодкорлар ўртасида шахматга алоҳида эътибор бериши билан ном қозонган эди. Шахмат мактаби олдида Эркин Воҳидов буюсти қад ростлади. Кенг ва кўркам хоналарнинг бири шоир асарлари мухлислари учун маънавий туҳфа бўлдики, Эркин Воҳидовнинг аксарият шеърлари, достонлари бу ерда мужассам.



## Арнасой туманида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Арнасой туманида фаолият бошлаган "Ёшлар келажагимиз" масъулияти чекланган жамиятида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани иқтисодийнинг реал секторидида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Арнасой шаҳарча фуқаролари йигинида иш бошлаган "Ёшлар келажагимиз" корхонаси ҳам ушбу эътибор самарасидир.

– Деярли тўққиз йил мебель цехларида ишладим. У ерда бу хунарни яхши ўзлаштириб, ўз тадбиркорлик лойиҳамни ишлаб чиқдим. Аммо бунга имкониятим етмаганлиги боис Арнасой тумани "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси орқали "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида туманимиз марказида ташландик бўлиб ётган ерни ўз тасарруфимга олиб, 200 миллион сўмли имтиёзли кредит маблағи орқали сармоя киритдим, – дейди корхона раҳбари Ҳасан Баҳромов. – Компьютер технологиялари асосида ёғочга қайта ишлов бериш ва гул солишга мўлжалланган замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Яқка тартибдаги хунарамандлик асосида стол-стул, шкаф, диван сингари жиҳозлар тайёрлаш билан шуғулланадиган усталарни

жалб этиб, замонавий мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона жамланмаларидан иборат ўн бешдан зиёд турдаги импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли мебель маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Тўрт киши доимий иш билан таъминланган корхона томонидан ўтган қисқа муддат ичида ички истеъмол бозорига 254 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар сифати хориж мебелларидан асло қолишмаслиги туфайли корхона маҳсулотларига буюртмалар кўпайиб бормоқда.

"Ёшлар келажагимиз" масъулияти чекланган жамияти сингари замонавий корхоналар сони ортиб бориши нафақат туман маркази балки қишлоқ ҳудудларида инфратузилмани жадал ривожлантириш, энг муҳими, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Завқиддин РИСКУЛОВ,**  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
хузуридаги "Yoshlar kelajagimiz"  
жамғармаси  
Арнасой тумани филиали бош  
мутахассиси.

### Тошкент вилояти

Жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Юртимизда хотин-қизларнинг яхши яшашига кўмаклашиш, айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларнинг фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлашга ҳамisha катта эътибор қаратилади.



## Хотин-қизларга тикув машиналари топширилди

Тошкент вилояти Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши, Пискент тумани ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорлигида карантин вақтида ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун хайрия тадбирлари амалга оширилди. Қуни кеча боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган 6 нафар хотин-қизларга тикув машиналари топширилди.

– Турмуш ўртоғим оламдан ўтган, 3 фарзандим билан яшаймиз, – дейди лолариклик Д.Қурбонова. – Нафақа пулига қараб ўтирмасдан ўзим ишлаб, оилани таъминласам дегандим. Маҳаллага мурожаатим бекор кетмади, мана тикув машинаси беришди.

Тошкент вилояти Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раҳбари ўринбосари Жаҳонгир Хидировнинг сўзларига кўра, тикув машинаси топширил-

ган аёлларни буюртмалар билан таъминлаш, тиккан маҳсулотларига харидор топиш учун ҳудуд мутасаддилари билан ҳамкорликда зарур тадбирлар кўрилади.

Шунингдек, Пискент туманидаги 5 нафар оғир шароитда яшаётган аёллар хонадонини таъмирлаш учун 50 млн. сўм, 10 нафар бемор хотин-қизлар даво-ланиши ва дори-дармон учун 20 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ўз мухбиримиз.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН



JOHN DEERE

MONOSEM



"Monosem" компанияси пахта, мош, маккажўхори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+998 90 325 49 99

+998 93 181 11 66

+998 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

### ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.



TRAKTORBOR.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

"ZAMONA RA'NO" МЧЖ (СТИР 206336995) жамиятнинг бўлиниш йўли билан қайта ташкил этилишини ва ўз устав фондиди 501005002,77 сўмгача камайишини маълум қилади. Кредиторлар ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида Тошкент в. Паркент т. Номданак ҚФЙ манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

## Qishloq hayoti

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:  
Жамшид ХЎЖАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон  
ТОШБОЛАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари)

Раимкул СУЯРОВ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер  
М.ЮСУПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-725, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 2 542 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 00.10